ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Рихситиллаева Нихола, Алфраганус университети, магистратура мутахассислиги, 2-курс талабаси

Аннотация. Интегратив ёндашув таълимдаги муҳим инновацион ҳодисалардан биридир. Ижодий салоҳиятнинг шаклланиши талабанинг эмоционал барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бу сифат унга стрессли вазиятларда ҳам креатив фикрлаш қобилиятини сақлаб қолишга ва инновацион ечимлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мақолада интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг креатив қобилиятини шакллантириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Билим, ахлоқ, фаолият, хусусият, объект, ҳодиса, жараён, билим, кўникма.

Замонавий олий педагогик таълимда интегратив ёндашув шунчаки ўқув фанларини механик равишда бирлаштириш эмас, балки талабанинг дунёқарашида яхлит илмий манзарани шакллантиришга хизмат қилувчи фундаментал методология сифатида намоён бўлмоқда. Анъанавий таълимдаги билимларнинг тарқоқлиги бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотиб, ўрнини синтезлашган, яъни ўзаро узвий боғланган билимлар тизимига бўшатиб бермоқда.

Замонавий мутахассис билимли, ахлоқли, ҳаракатчан, масъулиятли, ҳамкорлик қилишга қобилиятли, ижодкор, фаолиятда интегратив ёндашувдан фойдаланиши билан ажралиб туриши керак. Интегратив ёндашув таълимдаги муҳим инновацион ҳодисалардан биридир.

З.Ш.Каримов: “У экспериментал амалга оширишнинг кенглиги, ижодий ниятнинг чуқурлиги, тарихий тараққиётнинг давомийлиги ва диалектикаси бўйича “барча бошқа ҳодисалардан ошиб кетади””, деб таъкидлайди [4].

Педагогикадаги интегратив ёндашувни олимлар турлича изоҳлайдилар. И.А.Зимняя, Е.В.Земцова интегратив ёндашувни “камида битта хусусиятнинг умумийлиги билан бирлаштирилган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўпламининг яхлит тасвири, бунинг натижасида унинг янги сифати” деб таърифлайди [3].

Н.М.Аҳмедованинг фикрига кўра, интегратив ёндашув бўлажак ўқитувчининг таълим шароитида талабаларнинг мутахассисликка оид билим, кўникма, амалий иш-харакат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга қаратилган яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчилик фаолиятидир [2].

Педагогик фаолиятнинг ўзига хос табиати ўқитувчидан нафақат тайёр билимларни узатишни балки ҳар бир дарсни янги мазмун билан бойитишни талаб этади ва бу жараёнда талабанинг психологик тайёргарлиги ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бўлажак мутахассиснинг ижодий салоҳияти таркибида шахснинг “мен-концепцияси” ва ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган ички интилиши муҳим компонентлар ҳисобланади, чунки ижодкорлик фақатгина эркин ва мотивацияланган онг маҳсулидир. Шунингдек ижодий салоҳиятнинг шаклланиши талабанинг эмоционал барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бу сифат унга стрессли вазиятларда ҳам креатив фикрлаш қобилиятини сақлаб қолишга ва инновацион ечимлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Талабаларнинг креатив фикрлаш қобилиятини яхшилашнинг ажойиб усули бу янги нарсаларни синаб кўришдир. Ақл жисмоний машқлар ва рағбатлантиришни талаб қилади. Мунтазам равишда янги севимли машғулотлар ва масалалар ечишни синаб кўриш ҳамда бир-биридан фарқ қиладиган фаолиятни танлаш талаб этилади [1].

Жисмоний машқлар ҳақиқатан ҳам хотира ва фикрлашга таъсир қилади. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миянинг фикрлаш учун масъул бўлган қисмлари мунтазам равишда машқ қиладиган одамларда каттароқдир. Бундан ташқари, машқлар стресс ва ташвишларни камайтиради ва кайфиятни яхшилайди, бу диққатни жамлашга ва ўрганишга ёрдам беради. Мунтазам жисмоний фаолиятни кундалик ҳаётга киритиш талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини яхшилашга олиб келиши мумкин. Тадқиқотчилар жисмоний машқларнинг бир тури бошқасидан яхшироқми ёки йўқлигига ҳали ҳам ишонч ҳосил қилишмаса-да, баъзи тадқиқотлар аэробик машқлар ақлий рағбатлантириш учун энг фойдали эканлигини кўрсатадилар.

Фикрлаш мураккаб билиш жараёни бўлиб, у кўплаб турли хил техникалар, методлар ва билиш шаклларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Уларнинг орасидаги фарқлар шартли бўлиб, кўпинча бу атамаларнинг барчаси синоним сифатида ишлатилади, аммо улар ўртасида мантиқан бирор фарқ қўйиш мумкин [6].

Креатив фикрлашни ривожлантиришга имкон берувчи методик воситалар кўпдир. Уларнинг кўпчилиги ўқитувчи томонидан ўқув машғулотларида инновацион ўқитиш методлари шаклида қўлланилади. Улардан тизимли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг вазифаси таълим олувчига нисбатан фаолият олиб бориши ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини ташкил этиши лозим. Таълим олувчи ғояларни бериши, мустақил ёки кичик гуруҳ таркиби фаолиятига баҳо бериши лозим. Инновацион ўқитиш методининг анъанавий ўқитиш методидан асосий фарқи шундаки, у шахснинг барча салоҳиятли қобилиятларини ривожлантиради. Бунда анъанавий ўқитиш методи ҳам инновацион ўқитиш методи ҳам келажакка турлича қарашини таъкидлаш лозим [5].

Таълимни шахс, шахснинг шаклланиши деб тушунган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, олий касбий таълим тизими талабалар томонидан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнида уларга “ўзини топиш”, ўз қадриятлар дунёсини танлаш ва билимлар оламига кириш, илмий ва ҳаётий муаммоларни ҳал қилишнинг ижодий усулларини ўзлаштириш, ўз “Мен”ининг акс эттирувчи дунёсини очиш ва уни бошқаришни ўрганишга ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Ижодкор шахсини тарбиялаш (касбий маънода) - бир профессионал томонидан ижодий тажрибани узатиш ва уни ижодий фаолиятни объективлаштириш, авлодлар тажрибасини давом эттириш мақсадида ўзлаштиришга қаратилган креатив қобилиятини ривожлантириш жараёнидир.

Креатив таълим- ижодкор шахсни тарбиялаш (педагогик жиҳатдан) ва ижодкорликка ўргатиш, шунингдек, ушбу тизимнинг натижаси, маҳсули воситасида авлодларга ижодий тажрибани узатиш ва қабул қилишнинг махсус ташкил этилган тизимидир.

Ижодкор шахсини тарбиялаш (педагогик жиҳатдан) – бу ижодкорликка барқарор йўналтиришни шакллантириш, уларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш, субъектив ижодий фаолиятини объектив ижодга

айлантириш мақсадидда тарбияланувчига ўқитувчилар ва жамоанинг махсус ташкил этилган ва бошқариладиган таъсиридир.

Креатив фаолият билим, кўникма ва малакалари ижодкорликка ўқитиш мазмуни, асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, билим - инсоннинг объектив воқеликни тушунчалар, категориялар, тамойиллар, қонунлар ва қонуниятлар, фактлар, ғоялар, муаммолар, тушунчалар, назариялар ва фаразлар шаклда акс эттириши маҳсулидир.

Креатив таълим тизимида ахборот компонентлари устунлик қилиши керак, чунки ушбу тизим битирувчилари ахборот жамиятида яшайди, унда янги ахборот технологиялари, табиат ва жамиятдаги ахборот жараёнлари ҳақидаги таянч билимлар устувор аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеев, П.В. Философия: учебник / П.В.Алексеев, А.В.Панин. - М.: Проспект, 1997.-568 с.

2. Аҳмедова Н.М. Узлуксиз таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларни қўллаш – баркамол авлод келажагидир. Иқтидорли талаба ва ёш олимлар мақолалар тўплами. Т:.2015, 120-123 бетлар.

3. Зимняя И.А., Земцова Е.В. Интегративный подход к оценке единой социально- профессиональной компетентности выпускников вузов /И.А. Зимняя, Е.В. Земцова // Высшее образование сегодня. – 2008. – № 5. – С. 14–19.

4. Каримов З.Ш. Теория и практика институциональной интеграции высшего профессионального педагогического образования на основе синтеза внешнего и внутреннего компонентов: автореф. дис. ... д-ра пед. наук. – Уфа, 2009. – 48 с.

5. Сафаров Ж. Иқтисодий таълимда инновацион ва замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил.

6. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбийпедагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Пед.фан.номзод.дисс. автореф. Т.:2019. -15 б.